

Олди-сотди шартномаси №6

Бустон шаҳар

«18» январ 2022 йил

Бундан буён “БҮЮРТМАЧИ” деб аталувчи : Эллиқкальа тумани-сон РТСККШ номидан Устав асосида фаолият олиб боровчи М.Ботиров бир томондан ва бундан буён “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб аталувчи «Эллиқкальа Савдо» МЧЖ номидан Устав асосида фаолият олиб боровчи У Абдуллаев бир томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Баҳоси	Умумий қиймати
1	Булка нон	шт	2000	1 400,00	2 800 000,00
2	Горох	кг	20	14 000,00	280 000,00
3	Гуруч	кг	30	6 000,00	180 000,00
4	Курук мева	кг	80	22 000,00	1 760 000,00
5	Макарон	кг	20	6 500,00	130 000,00
6	Ош тузи	кг	20	1 000,00	20 000,00
7	Пахта ёғи	кг	70	17 000,00	1 190 000,00
8	Сут 2,5%	литр	700	5 000,00	3 500 000,00
9	Ун	кг	80	2 750,00	220 000,00
10	Шакар	кг	50	8 000,00	400 000,00
Жами					10 480 000,00

1.2. Контрактнинг умумий суммаси Ун миллион тўрт юз саксон минг сўми ташкил қилади (ҚҚС билан ҚҚС 1 366 956,52сум).

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани газначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 календар куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30 % миқдоридан олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 30 календар куни ичида қабул қилиш-топириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 5 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартномада кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартномани шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомга кўра мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш; - камчиликларни бегараз бартараф этиш;
- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ тузилган шартнома бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- “Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан жойлаштирилган шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асосиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ва ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича ___ - кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи:

- Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар кийматининг 5 фоизи миқдорид, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоизи миқдорид жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) холларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар киймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим

этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорид жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига етказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорид, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорид пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар кийматининг 20 фоизи миқдорид жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.4. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурийат бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорид пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбурийатларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатда етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.5. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки уралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар кийматининг 5 фоизи миқдорид жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган холларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз қучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустакил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита ҳўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар ҳўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги ҳўжалик судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбурийатларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбурийатларини бажармасликдан қисман ёки тўлик озод бўладилар.

6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зиلزла, қўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни таққиллаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбурийатларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қўтилмаган ҳолатлар қиради.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбурийатларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбурийатларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

7.2. Мазкур шартномага киритилган барча узгиртириш ва қўшимчалар эъза шаклда тузилиши ва Тарфларнинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган ҳужжат асосида бўлади.

7.3. Мазкур шартнома ҳар бир тарафга битта нусхадан, жами икки нусхада тузилади.

8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 й. "31" декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомид бошқа томонга эъза ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар туғанлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбурийатларнинг бажарилишини таъминлаган холларда контракт бажарилган ҳисобланади.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи
Ташкилот номи : «Элликкальа Савдо» МЧЖ
Манзил: Бустон Шаҳри Беруний шох куча №3
Телефон: 585 31 55
Факс:
Стир коди 200 400 461
ОКЭД 46690
X/P20208000800414245001
Халқ банк г Бустон
МФО 00646
Раҳбар У Абдуллаев
МУ

«Буюртмачи»
(бюджетдан маблағ олувчининг номи) Элликкальа туман 1-сон РТСККШ
Манзил: Элликкальа туман Сарабий ОФИ
Тел./факс
ш/х* 100021860352507073201054002
Банк номи
х/в**
МФО 00014СТИР 207167501
ОКОНХ
Газначилик бўлинмаси номи
Газна х/в 2340200030010006110
Банкнинг номи: Тошкент ш. Маркази банкнинг Тошкент ш. ХККМ
МФО 00014
газначилик бўлинмаси СТИР - 201122919
Раҳбар
(лавозим)

Юрист ҳулосаси:

Ушбу шартнома амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29-август кунги қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси туғрида»ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига мос равишда туғри тузилган.

Юрист маслаҳатчи:-

Али Раҳмонов Ш

Элликкальа тумани №1-сон РТФШсининг 2022 йил 18 январ кунги танлов савдоларини ўтказувчи комиссияси мажлисининг

Баённомаси.

2022 йил 18 январ

№ 6

Элликкальа тумани.

Танлов комиссияси Раиси: И.Шарипов – Элликкальа тумани №1-сон РТФШсининг бош шифокор ўринбосари.
Танлов комиссияси котиби: М.Раджапова – Элликкальа тумани №1-сон РТФШсининг катта хамшираси
Иштирок этдилар: Танлов савдоларини ўтказувчи комиссия аъзолари, танловда иштирок этишни билдирган ташкилотлар вакиллари

КУН ТАРТИБИ.

2022 йил январ ойида Элликкальа тумани №1-сон РТФШсининг 2022 йил январ ойи учун **озик-овқат** махсулотларини сотиб олиш тўғрисида

Кун тартибидаги масала юзасидан Элликкальа тумани №1-сон РТФШсининг бош шифокори ўринбосари И.Шарипов сўзга чиқди ва олиб борди. 2022 йил январ ойида 2022 йил январ ойи учун **озик-овқат** махсулотларини олиш кераклигини айтиб ўтди.

Комиссия аъзолари томонидан 2022 йил харажатлар сметасида белгиланган маблағларидан шифохона учун 2022 йил январ ойи учун **озик-овқат махсулотларини** сотиб олиш учун МЧЖ «Элликкальасавдо», «Бостон Барака бюлдинг» МЧЖ ва «Элликкальа гранд» ХКдан, тижорат таклифлари олиниб, бахолари тахлил килинди, жумладан **озик-овқат махсулотларини** олиш учун МЧЖ “Элликкальасавдо»нинг етказиб бериш имкониятларини ва 2022 йил 18 январдаги 6-шартномаларга асосан маъкул деб топилди.

№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	МЧЖ Элликкальасавдо даги бахоси	Бостон Барака бюлдинг МЧЖ даги бахоси	«Элликкальа гранд» ХК даги бахоси
1	Булка нон	шт	1 400,00	1600	1600
2	Вермишел	кг	6 500,00	7500	7500
3	Горох	кг	14000,00	15000	15000
4	Гуруч	кг	6000	7000	7000
5	Карам	кг	4500,00	5500	5500
6	Кук чой	кг	29 000,00	30000	30000
7	Ловия	кг	12000	13000	13000
8	Курук мева	кг	22000	23000	23000
9	Макарон	кг	6500	7500	7500
10	Мош	Кг	12000	13000	13000
11	Ош тузи	кг	1000	1100	1100
12	Ошқовок	кг	2 000,00	3000	3000
13	Пахта ёғи	кг	17000,00	18000	18000
14	Пиез	кг	2200,00	3200	3200
15	Сабзи	кг	2500,00	3500	3500
16	Сут 2,5%	литр	5000,00	6000	6000
17	Томат	кг	18 000,00	19000	19000
18	Тухум	шт	1000,00	1200	1200
19	Ун	кг	2 750,00	3750	3750

20	Шакар	кг	8000,00	9000	9000
----	-------	----	---------	------	------

Танлов савдоларини ўтказувчи комиссия аъзолари маҳсулот етказиб берувчи ташкилотлар томонидан тақдим қилинган тижорат таклифларини муҳокама қилиб, қиймати арзон ва сифатли маҳсулот сотиб олиш кераклигини билдирди. Тақдим қилинган тижорат таклифлари ичида битта ташкилот маҳсулоти комиссия аъзоларига маъқул бўлиб, ушбу ташкилотни танлов ғолиби деб эълон қилиш бўйича қарор қабул қилишни билдирди.

Танлов савдоларини ўтказувчи комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ.

Элликкалъя тумани №1-сон РТФШсининг даволанаётган беморлар учун озик-овкат маҳсулотларини сотиб олишга доир ўтказилган танлов асосли деб топилсин.

1. Танлов ғолиби – “Элликкалъясавдо” МЧЖ деб топилсин.

2. “Элликкалъясавдо” МЧЖ билан белгиланган тартибда шартнома тузиш ва шу асосда олди-сотди қилиш белгилаб қўйилсин.

2022 йил январ ойида 2022 йил январ ойи учун **озик-овкат** маҳсулотларини сотиб олиш учун жами **17 320 000** сўмлик қийматдаги маҳсулот бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Элликкалъя тумани №1-сон РТФШсига сотиб олинсин.

Ушбу шартнома ижросини Элликкалъя тумани №1-сон РТФШсининг бош ҳисобчиси Р.Юнусовга, умумий назорат бош шифокори М.Батировга юклатилсин.

Танлов комиссияси котиби:



М.Раджапова

Ушбу баённома мазмуни ва қабул қилган қарори асосли деб имзо чекувчилар:

И.Шарипов



Бош шифокор уринбосари

Р.Юнусов



Бош ҳисобчи

К.Шарипов



Хужалик мудир